O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 5 декабр, сешанба | № 49 (201) | Сотувда эркин нархда

АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(37-модда)



Суд ҳокимияти

ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

Маълумки, суд муайян бир шахсга нисбатан ҳукм чиқарар экан, унинг тақдирига қайсидир маънода таъсир қилади. Шунинг учун судья ишни кўриш давомида мавжуд қонунқоидалар билан бирга аввало оддий бўлиб туюладиган инсоний ақидаларга риоя қилмоғи лозим. Қора курсида ўтирган шахс барибир инсондир. У орамиздан кимнингдир жигарбанди, қайси биримизнинг дўстимиз ёки оғайнимиз, қай бир оиланинг бошлиғи, қорақўз фарзандларнинг отаси ёки онаси... Шундай экан, судья зиммасида қанчалар катта масъулият турганлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Оддий қилиб айтганимизда, суд жараёни ҳар бир айбдорнинг ва унга яқин кишиларнинг сўнгги умиди билан боғлиқ бир босқичдир. Шу жойда адолат тарозусининг иккала палласига ҳам тўғри тош қўйилиши ва суд ҳукмига нисбатан фуқароларда ишонч ҳамда ҳурмат ҳисси қарор топиши шарт. Ҳар бир судья ўзининг муқаддас бурчига содиқ бўлиб қолишга, ҳар бир айбномани ҳалоллик, принципиаллик ва адолатли ҳал этиб беришга вазифадор этилган.

Давлат ва жамиятнинг обрўси суд ва судьяларнинг қонун талабларига оғишмай амал қилиб боришларига, фуқароларда ўзларига нисбатан ишонч туғдириб, бу ишончни ҳамиша амалда исботлаб боришларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Судьяларнинг ўзлари юксак маданиятли, ахлоқ-одобли, ҳалол-пок, ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлишлари талаб қилинади. Улар судлов ишларини билимдонлик ва одиллик билан олиб бориб, адолатли ҳукм ёки қарор чиқарганларидагина халқнинг ишончини қозона оладилар.

Аёнки, қуйи суд йўл қўйган хатони юқори суд тузатади. Бироқ бу хато тузатилгунга қадар у тўфайли фуқаро қалбида пайдо бўладиган жароҳат ачинарлидир. Бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўриш вақти келган, деб ҳисоблаймиз. Бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек, шундай хатоларга йўл қўймаслик чораларини изчил амалга ошириш лозим. Судьяларимиз ибратбахш инсоний фазилатларга эга бўлишлари билан бирга ўзларининг ҳуқуқий билимларини ҳам муттасил бойитиб боришларига тўғри келади. Ўз навбатида пухта малакага эга бўлмаган судья фаолиятида хатолик бўлиб туриши табиийдир.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча одил судлов идоралари қаторида Қува туман суди ҳам фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган манфаатларни тиклаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

Албатта, кўрилган ишларнинг сони, жиноятлар таркиби ёки мазмун-моҳияти ўз йўлига. Кўриб чиқилаётган ҳар бир ишнинг талаб даражасида бўлишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига асло йўл қўймаслик, ҳар бир ишнинг адолат мезонлари доирасидагина якунланишини асосий вазифа деб биламиз. Бизда шунингдек, Миллий хавфсизлик хизмати, туманлараро прокуратура, Ички ишлар бўлими ва суд ходимлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда диний экстремистик оқимларнинг асл башараларини очиб бериш, улар таъсирига тушиб қолган шахсларни бу йўлдан қайтариш ёхуд уларга нисбатан тегишли чораларни белгилаш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ шу йилнинг биргина сентябр ойида 37 та жиноий иш кўриб чиқилди, яъни 37 нафар шахсга нисбатан Амнистия қўлланилди. Шуларнинг 23 нафарига Фармоннинг 8-моддаси қўлланилган бўлса, 11 нафарига 2-модда, 3 нафарига 9-модда қўлланилиб, улар жазодан озод қилинди ёки жазо муддати қисқартирилди.

Автоавария, ўғирлик, тан жароҳати етказганлик, ғайриқонуний қурол сақлаганлик ва яна Жиноят кодексининг қатор моддалари билан суднинг қора курсисига ўтириб, жазо муддатини ўтаётган кўплаб маҳкумлар Президентимиз Фармони билан ўз оилаларига қайтиб, осуда ҳаёт кечирмоқдалар.

Фармоннинг 8-моддасида шундай дейилган эди: "Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тўхатилсин". Ана шуни инобатга олган ҳолда М.Бойболаева, М.Эргашева, Х.Муротова, Д.Абдуллаева, Р.Каримова, Н.Якубова, А.Исмонов, М.Ваҳобова, И.Тақдиралиева, М.Раҳмитдиноваларнинг содир этган жиноий ишлари юзасидан олиб борилаётган суд жараёнлари ҳаракатдан тўхатилди.

Муқаддам судланиб, жарима жазоси белгиланган ва шу кунга қадар ушбу жарималарни тўлай олмаган 15 нафар шахслар Фармоннинг 2-моддасига асосан жазодан озод қилинди.

Энди айрим аниқ ишлар хусусида тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда орамизда енгилгелпи йўллар билан тирикчилик қилишни, ҳузур-ҳаловатда яшашни орзу қиладиганлар ҳам бор. Фарғона вилояти Халқ таълими бўлимида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Муҳаббат Бойболаева, Қува туман Халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлаган Манзура Эргашева, Фарғона шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Хонзода Муродова, Андижон шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилором Абдуллаева, Фарғона шаҳридаги "Ал-Мадина" фирмасининг ишчиси Рўза Каримова, фарғоналик Назия Якубовалар ҳам шундай одамлар тоифасидан чиқиб қолишди. Улар олий маълумотни тасдиқловчи сохта дипломлар олди-сотдиси билан шуғулланишган. Суд жараёнида уларнинг қилмишлари фош қилинди ва тегишли жазолар белгиланди. Аммо юқорида келтирилган Фармонга мувофиқ "дипломфурушлар" жазодан озод этилдилар. Бу фактни олий маълумотли бўлиш учун ўқиш шарт эмас, пулинг бўлса чангалда шўрва, деб юрганларга ёки ана шундай йўллар билан бойишга орзумандларга сабоқ бўлсин, деб келтираяпмиз.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейишади. Аммо қувалик ака-укалар Турдали, Бегали, Ғайратали ва Фахриддин Ботировлар ўғрилик йўли билан "сомонхонагача" анча ишни қилиб қўйишди. Ака-укалардан иборат бу жиноий гуруҳ 1998 йилнинг 2 декабридан бошлаб бир неча маротаба ўғирлик жиноятини содир этишган. Турли дўконлар ва бошқа объектларга ўғирликка тушиб, бир неча юз минг сўмлик ўзгалар мол-мулкини ўмаришган. Кўза кунда эмас, кунида синади. Бир гуруҳга уюшган ака-укалар жиноий иши юзасидан суд мажлиси ўтказилди. Ҳукм одилона бўлди. Бегали ва Ғайраталилар мол-мулки мусодара этилиб, 12 йилга, Фахриддин ва Турдалиларнинг ҳам мол-мулки мусодара этилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Президентимизнинг 1999 йил 30 апрелдаги амнистия тўғрисидаги Фармонига мувофиқ жазо муддатлари бироз қисқартирилди. Лекин тўрт забардаст йигит ҳаётига нопоклик, ўғирлик оқибатида қора чизиқ тортилди. Уларнинг фарзандлари бир неча йилга ота меҳридан жудо бўлди. Энг шармандалиси — бир оиланинг 4 нафар фарзанди ҳам жиноятчи.

Хулоса қилиб айтганда, Қува туман суди фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириб боришга, мамлакатимизда қабул қилинган одил судловга оид қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларида акс эттирилган барча тамойиллар ижросига ва одил судловнинг бош мақсадига, хусусан, фуқаролик ишлари бўйича ҳар қандай бузилган ҳуқуқни тиклашга, жиноят ишлари бўйича ҳеч бир айбсиз шахснинг жазога тортилишига йўл қўймаслик, ҳар бир айбдор шахсга эса адолатли жазо тайинлашга қаратилгандир.

Илҳомжон ВОСИЕВ,
Фарғона вилояти Қува тумани судининг раиси

8 ДЕКАБР- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

(41-модда)

2-САҲИФА

Фахр

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Бахтимиз Қомуси бўлмиш Конституциямизда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий негизи ва миллий давлатчиликни ташкил этиш, ривожлантириш йўллари, ички ва ташқи сиёсати белгилаб берилган.

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат қуриш учун ўзига хос йўлдан бормоқда. Бунда жаҳон давлатларининг ва ўзбек миллий давлатчилиги тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлигини тан олиш, Президентлик бошқарувини жорий қилиш шулар жумласига киради.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўзимизнинг миллий шарқона давлатчилик тажрибаларимиздан — Форобийнинг фозил давлат, Алишер Навоийнинг адолатли давлат, Амир Темурнинг қудратли марказлашган давлат қуриш тажрибаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги пайтда анъанавий давлат бошқарув органлари — вазирликлар, ҳокимликлар қайта тикланди. Конституциянинг 3-моддасига асосан мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар ва маҳалладлардан иборат.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш учун давлатнинг ички иқтисодий вазифаси ва ташқи сиёсий вазифасини амалга ошириш муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги вазифалари бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

Нуқтаи назар

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида ифодаланганидек, "Ўзбекистон - суверен демократик республика". Ижтимоий ҳаётда кўппартиявийликка амал қилиниши ҳам демократиянинг ёркин кўринишларидан биридир. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Биз ушбу мақоламизда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" номли рисоланинг нашр этилиши муносабати билан миллий истиқлол мафкураси ва сиёсий партиялар мавзуида айрим фикрларимизни айтишга жазм этдик. Зеро, бу рисола кенг жамоатчилик томонидан тараққиёт йўлимизни ёритадиган маёк сифатида қизғин кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосида яратилган мазкур рисола маънавий ҳаётимизнинг, мафкуравий жабҳамизнинг янги босқичини белгилаб беришга қаратилгани билан ғоятда қимматлидир. Рисола Йўлбошчимизнинг сўзбошиси билан очилади. Унда жумладан, бундай дейилади: "Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир". Бундай улуғвор вазифаларни амалга ошира бориш мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг ҳам асосий мақсадларидандир, десак янглишмаймиз.

Маълумки, сиёсий партияларимизнинг аъзолари турли миллатга мансуб кишилардир. Ўзбекистон Республикасининг балоғат ёшига етган ҳар бир фуқароси миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда фаолият кўрсатаётган истаган сиёсий партияга аъзо бўла олади. Партия аъзоларини партия доирасида партиявий маслак бирлаштириб турса, мамлакатимиз миқёсида эса барча партиялар аъзоларини ватандошлик туйғуси сафлантиради. Ватандошлик туйғусидан эса ягона Ватан олдидаги масъулият ва бурч туйғулари вужудга келади. Бинобарин, ватандошлар қалбида юксак туйғуларни тарбиялаб, камол топтиришда барча сиёсий партияларнинг туб мақсадлари туташади ва бир бутун оқимни ташкил этади. Бу оқим эса қудратли куч бўлиб, буюк келажагимизни бунёд этишда хизмат қилажак.

Президентимизнинг сўзбошисида, жумладан, бундай дейилади: "Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга". Дарҳақиқат, худди шундай. Фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Зеро, буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари дадил одимлаётган Ўзбекистонимизни муқаддас маконим, деб билган ҳар бир фуқаро унинг бахт-саодати, куч-қудрати, фаровонлиги йўлида фидойи бўлишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаши лозим. Ана шу бурч туйғусини уйғотиш, шакллантириш ва бойитишда сиёсий партиялар томонидан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг савиясини янада ошириш, қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, халқ оммасининг турли қатламларига теранроқ кириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сир эмас, сиёсий партияларимиз халқимизнинг турли қатламлари орасига талаб даражасида кириб бора олганларича йўқ. Айниқса, бу нарса узоқ ва яқин жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларининг сустлигида сезилади. Лекин қувонарли ери шундаки, сиёсий партияларнинг фаолиятларини жонлантириш бўйича қўйидан ташаббуслар ҳам бўлиб турибди, бу эса халқимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти тобора юксалиб бораётганини кўрсатади. Бу фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирамиз.

Шу йилнинг май ойида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги "Исломобод" маҳалласида шу ерлик зиёлиларнинг ташаббуси билан "Маҳалла ва сиёсий партиялар" мавзусида суҳбат ўтказилди. Унда мазкур тумандаги бир неча маҳалланинг оқсоқоллари, фаоллари, зиёлилар, барча сиёсий партияларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ташкилотларининг котиблари ва оддий аъзолари, партия газеталарининг мухбирлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.

(Давоми 3-бетда)

ИЗТИРОБЛИ ПУШАЙМОН ВА АВФ МАЛҲАМИ

Фармон ва ижро

Жиноятга жазо муқаррар. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари адолатли қонунларимиз томонидан бекаму кўст ҳимоя қилинадиган бизнинг жамиятимизда ҳеч қайси жиноят жазосиз қолмайди. "Яхши отга бир қамчи" деганларидек, айбдор ҳисобланиб, одил суднинг "қора курси"сига келиб бир марта ўтиришнинг ўзи ҳам инсофли ва диёнатли одам учун бир умрлик сабоқ бўладиган ноҳуш ҳол. Билиб-билмай қилинган гуноҳ учун чин юракдан қилинган тавбани Оллоҳ ҳам кечиради, дейдилар. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганидан кейин суд залидан озод қилинган кишиларнинг кўзларида кўринган ёш-пушаймон ва тавба изтироби озод ва обод Ватан номидан бағрикенглик қилган Юртбошига беҳад миннатдорчилик туйғулари ила қўшилиб, интиқ кўнгилга ором бергандек кўринди назаримда.

Яқинда Ғузор туманида бўлганимда суд раиси Олим Тангматов билан Амнистия Фармонининг ижроси юзасидан суҳбатлашиб, қуйидагиларни ёзиб олдим: Президентимизнинг 2000 йил 28 август Фармони эълон қилингандан кейин Ғузор туман судида 26 та жиноят ишлари бўйича 36 та шахсга нисбатан жазодан озод этиш ишлари кўриб чиқилди. Фармоннинг 2-моддасига кўра 9 нафар шахс ва 8-моддага биноан 22 нафар шахсга нисбатан юритилган иш ҳаракатдан тўхтатилди. 9-модданинг "А" бандига кўра жазодан озод қилинмайдиган, жазо муддатининг ўталмаган қисми 5 нафар шахсга нисбатан қисқартирилди. 8-модда қўлланилиб 5 нафар шахс, 2-модда қўлланилиб 6 нафар шахс суд залидан озодликка чиқарилди. Бу ҳақда аниқ мисолларга мурожаат қилсак. Судланувчи Ҳақбердиева Зубайда 1959 йилда Китоб туманида туғилган. Ғузор шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 42-уйда яшайди. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Бу аёл 2000 йилнинг феврал ойида Шаҳрисабз шаҳридан тергов ва судда аниқлаш имконияти бўлмаган номаълум шахсдан келгусида сотиш мақсадини кўзлаб, 3 та гугурт қутисига жойлаштирилган "Марихуана" гиёҳвандлик моддасини жами бўлиб 2400 сўмга сотиб олиб, ўзи яшаган уйда сақлаб келган. Шу йилнинг 15 март куни ўз уйидан фуқаро Бозоров Эргашга бир дона гугурт қутида бўлган жами 5 грамм "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини 2000 сўмга сотаётган пайтда далилий ашёлар билан ушланиб, 18 март кунидан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда эди. Жорий йилнинг 7 сентябр куни туман судида бу ишни кўриб чиқилиб, Амнистия Фармонининг 8-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан айблаш қисми иш юритишдан тугатилиб, суд залидан озодликка чиқарилди. Ёки иккинчи мисол: туман суди шу йил сентябр ойининг 11 куни судланувчи Элманов Ашурга нисбатан 29.04.99 йилдаги мазкур суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Чориева Райҳон фойдасига 3 нафар фарзандлари тарбияси учун алимент тўлаши лозимлигини билгани ҳолда 3 ойдан кўп муддатда қасддан тўламасдан келганлиги даъвоси бўйича ЎзР ЖКнинг 122-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбловини, шунингдек, мазкур суд томонидан Жўраев Ҳасаннинг даъвогари Қурбонова Гавҳар фойдасига бир нафар боласининг тарбияси ва таъминоти учун 3 ойдан кўп бўлган муддатда 3498 сўмлик алимент пулларини қасддан тўламай келаётгани ҳақида судда кўрилмаган жиноят ишини фармонга биноан ҳаракатдан тўхтатган. Ёки ўғирлик қилиб, юзи шувут бўлган бошқа бир судланувчи Ваҳобов Фарҳод ўтган йилнинг августнояб ойларида Ғузор туманидаги А.Қаҳҳор кўчаси 35-уйда яшовчи таниши Неъматов Тўлқиннинг уйида бир неча бор тунаб келиб ва охирги марта бир кечага ётиб қолишга рухсат олиб, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб хонадаги Аҳмедов Абдиманнонга тегишли бўлган бир дона Японияда ишлаб чиқарилган 155000 сўмлик "Сони" русумли мусиқа асбоби ҳамда 4 та ҳар бири 2000 сўмлик кичик ҳажмли дискларни ва уй эгасига тегишли бир дона 3000 сўмлик костюм, бир дона 5000 сўмлик суньий чарм курткасини яширин равишда талон-тарож қилганликда айбланиб, шу йилнинг 27.07 дан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда эди. Суд судланувчи Ваҳобов Фарҳодга жазо тайинлашда айбига тўла иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини, яшаш жойидан шахси ижобий тавсифланганлигини, ўғирланган мулкларни тўла миқдорда натура ҳолида эгаларига қайтарилганлигини, судга қадаряи қамоқда ўтириб, содир этган жиноятидан тегишли хулоса чиқариб, ўзгариш ва тузалиш йўлига кирганлигини исбот қилолганлигини эътиборга олиб, Амнистия Фармонининг 2-моддасини қўллаб, тайинланган асосий жазодан тўла озод этишни лозим деб топди.

Шунингдек, суд раиси Олим Тангматов Республикамиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармони моҳияти юзасидан туманнинг бир қатор қишлоқларида жумладан, "Гулшан", "Қўштепа" қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борилганлигини ҳам алоҳида қайд этди.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Дилдаги гаплар

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУИ

Мустақил мамлакатимиз аҳолиси умумхалқ байрамимиз — Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигини тантанали нишонлаш арафасида турибди. Мана, саккиз йилдирки, шу азиз тупроқни ўз Ватани деб билган суверен давлатимизнинг ҳар бир фуқароси бу ажойиб кунни эъзозлаб келмоқда. Чунки тоталитар тузум даври қонунларидан тубдан фарқ қиладиган, ўзимизнинг мустақил равишда ишлаб чиқилган Қомусимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Хабарингиз бор, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш баробарида ҳуқуқий демократик жамият қуриш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, кишилар онгида маънавият, маърифатни, теран тафаккурни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Зеро, маънавият ва тафаккурни шакллантирмай туриб, юксак тараққиётга эришиб бўлмаслиги аён. Юртбошимиз танлаган йўл нақадар нурафшон, ойдин йўл эканлиги, ушбу тамойил бугунги кунда нечоғли ижобий самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз: "Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт қуришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови — юртимиз хавфсизлиги, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир", дея бежиз қайғурмаяптилар.

Бунга асосий сабаб, яқин қўшни бўлган ўлкаларда авж олган сиёсий беқарорлик, ўзаро адоват, ижтимоий ларзалар, биродаркушлик урушларининг давом этаётганидир. Афсуски, бундай можаролар йилдан-йилга сиёсий тус олиб, ҳали-ҳануз барҳам топганича йўқ.

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўрғонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

Истиқлол туфайли инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишлари илк бор ҳар нарсадан устун бўлиши ҳаётий эҳтиёжга айланди. Шубҳасиз, бу қоида Асосий Қонунимизда ҳам тўла мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, республикамиз фуқаролари ва ноасосий ҳаёт кечиришларини, инсонпарвар демократик жамият барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллат тотувлигини таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйган Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланади.

Дарҳақиқат, жонажон Ўзбекистонимиз янги минг йилликка юксак тараққиёт ютуқлари билан бораётган экан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли ҳаёт кечиришга ҳақлидир. ***"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар"*** (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси).

Она-Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ундаги ҳар бир оила фаровон ҳаёт кечириши ва унинг осойишталиги тўла таъминланиши учун астойдил ҳаракат қилинаяпти. Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат вакиллари тенг ҳуқуқли бўлиб, бир ота-онанинг боласидай яшаб келмоқда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг республика байналмилал марказининг фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Конституциянинг яна бир афзаллик томони шундаки, унда нафақат шахс эркинлиги, балки кафолатланган умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан ҳам ажралиб туради. Оддий бир мисол: Конституциянинг 64-моддасида "Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур", эканлиги айтилса, шунинг 66-моддасида "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур" эканликлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Конституциямиздан ўрин олган қайдларнинг аксарияти "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" қоидаларига тўла мос келади. Унинг барча мамлакатлар томонидан эътироф этилиши ҳам мана шундан далолат беради.

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида дадил қадамлар ташлаётган ёш давлатимиз ҳар бир шахснинг эркин яшашидан ташқари, унинг ким бўлишидан қатъий назар, илм олишини ҳам тўла кафолатлайди. Конституциянинг 42-моддасида таъриф берилганидек, "Ҳар кимга техникавий ва ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".

Асрлар давомида халқимиз озод, инсонпарвар, демократик давлат барпо этишни орзу қилиб яшаган. Не тонгки, бу орзу-умидлар мустақил республикамиз Конституциясида ўз аксини топган. Табиийки, ўтган 8 йил ичида ўтказилган ислоҳотлар қонуннинг устувор йўналишларини таъминлашда, тараққиётнинг юксалишида катта ишлар қилинди. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида талай ишлар амалга оширилаётгани халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етиши учун қулай имконият бўлиб, ҳуқуқий демократик тайомилларга жуда мос тушади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг адолатпарварлиги туфайли бахтимиз Қомусига айланганлигини ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этаяпти. Шунинг учун ҳам Конституциямизни мамлакатимизнинг ёрқин қиёфасини акс эттирувчи кўзгуга ўхшатамиз.

Дарҳақиқат, гап Конституциямиз ҳақида кетар экан, унда давлатнинг мафкуравий вазифаси ҳуқуқимизнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари билан муштарак ҳолда амалга оширилиб, ижтимоий тараққиётга мос, фуқароларнинг манфаатларини, уларнинг меҳнат, оила, уй-жой ва мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Конституциямизнинг ҳар бир моддаси жамиятнинг тараққиёт қонунларини ўзида мужассамлаштириб, мустақил давлатимизнинг мақсад ва моҳиятини қонун доирасида мустаҳкамлаб, фуқароларнинг онгу шуурига етказиш билан ўзининг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциядан бохабар бўлган ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқий савияси, сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириб, такомиллаштириб боришига шубҳа йўқ.

Умуман олганда, Конституцияни — қонунларнинг қонуни дейиш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам уни шак-шубҳасиз Бош Қомусимиз деб атаймиз. Ана шу ўтган вақт мобайнида Конституциямизнинг тегишли моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юзлаб қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, депутатларимиз томонидан қабул қилинди. Бу қонунлар янги асрда инсонларнинг ҳуқуқий савиясини шакллантириб бориш баробарида, буюк келажак сари йўлчи юлдуз сингари йўлимизни ёритиб бориши табиий.

Азамат СУЮНОВ,
журналист



Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

(49-модда)

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ НИМА?

Конституциямиз шарофати

Қонун ижодкорлиги — давлат ҳокимиятининг уч тармоғидан бири — қонун чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият. Лекин ҳокимиятнинг бошқа икки тармоғи — ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳам қонунларни тайёрлаш ва такомиллашда фаол қатнашадилар. Умуман, қонун ижодкорлиги ҳар бир фуқаронинг бевосита иштирок этишини тақозо қилади.

Олий Мажлис, унинг қўмита ва комиссиялари бу борада жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди идораларнинг ижобий ишлари, саъй-ҳаракатлари туфайли биринчи марта "Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида" Қонунга эга бўлдик. Қонун Олий Мажлиснинг бу борадаги фаолияти янада самарадор бўлишига хизмат қилмоқда.

Турмуш фаровонлигини ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон қадриятларини тобора юқори поғонага кўтариш учун қонунларимиз қандай бўлишини истардингиз, деб барчага мурожаат этилмоқда, фақат мутахассисларнинг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг фикри ҳам ўрганилмоқда.

Олий Мажлис қонун ижодкорлигини давом эттириб, бу ҳақда яна икки нафар муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади ва халқ муҳокамасига тақдим этди. Улардан биринчиси "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида" деб номланган. Лойиҳа бундай муҳокамада фуқаролар, уларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ўз ихтиёри билан иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар таъминланишини назарда тутади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда иштирокчилар бевосита ўзлари ёхуд бошқа шунга дахлдор идоралар билан ҳамкорликда таклиф ва мулоҳазалар билдиришлари мумкин. Бундай имконият ихтиёрийлик, ошкоралик ва тенгликни тақозо қилади. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш учун ҳатто хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ҳам жалб этилиши назарда тутилган. Лойиҳа тўғрисида фикрлар, ижобий ёхуд салбий эканлигидан қатъий назар, турли мажлис ва йиғилишларда, давра суҳбатларида оғзаки изҳор этилиши, шунингдек, ёзма шаклда йўлланиши, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши мумкин. Лойиҳанинг муҳокамасига тўсқинлик қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Барча билдирилган фикр-мулоҳазалар Олий Мажлис ва унинг тегишли қўмита ва комиссияларида ўрганиб чиқилади, муҳокама қилинади ва эътиборга олинади.

Умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинган иккинчи қонун лойиҳаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" деб аталган. Лойиҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси, турлари ва унга қўйиладиган асосий талаблар батафсил баён этилган. Унинг қабул қилиниши қонун ҳужжатларини зарур даражада такомил бўлишига эришиш мақсадини кўзлайди. Шу мақсадда лойиҳа норматив ҳуқуқий ҳужжат тайёрлаш технологиясини батафсил ифодалайди, лойиҳа тайёрлашга масъул давлат органлари, илмий муассасалар, бошқа ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг вазифалари, лойиҳа тайёрлаш услублари, жамоатчилик фикрини билишга ва уни ҳисобга олишга оид қоидаларни белгилайди. Ниҳоят, лойиҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, тегишли рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва амалга киритиш тартиблари, шунингдек, уларни шарҳлашга оид масалалар батафсил баён этилган.

Мазкур қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида қонун ижодкорлигига оид баъзи умумий мулоҳазаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб ҳар иккала қонун лойиҳаси "Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида" 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонун билан таққосланиши, уларнинг мазмуни ва шаклида турлича талқин қилиш ҳоллари ва қайтариқлар бўлмаслигига эришиш зарур.

Биринчидан, қонун лойиҳаларини тайёрлашда идоравий маҳдудликнинг олдини олиш, лойиҳа тайёрловчи ишчи гуруҳларда фақат шу қонунга алоқаси бўлган, ундан бевосита манфаатдор идора ходимлари эмас, бошқа холис мутахассислар ҳам кенгроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, идоравий низом ва бошқа норматив ҳужжатларни экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги хайрли ишларни йўлга қўйди. Лекин амалда бўлган эски низомларда қонуннинг бажарилишига тўғаноқ бўладиган, фуқароларга ортиқча ташвиш туғдирадиган моддалар йўқ эмас. Жумладан, солиқ тўлашда фуқароларга берилган имтиёзлар қонунда аниқ баён қилингани ҳолда солиқ идоралари ўз низомларига суяниб, солиқ тўловчилардан қўшимча ҳужжатлар талаб қилади. Бундай ҳолларга барҳам бериш учун қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнидаёқ бирйўла унга алоқадор низомларнинг лойиҳаси ҳам тайёрланиб, кўриб чиқилса, дуруст бўларди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш пайтида қандай масалаларни бевосита қонунга киритиш, қай бирини идоравий низомларда ифодалаш кераклиги тўғри ҳал қилиниши лозим. Бу ҳақда "Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида" 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуннинг 17-моддаси талаблари эътиборга молик.

Учинчидан, қонуннинг матни аниқ, оддий, зиддиятлардан, турлича талқин қилишга сабаб бўладиган иборалар ва узундан узоқ жумлалардан ҳоли бўлиши лозим. Ҳар бир қонун лойиҳасини тилшунос-муҳаррирларнинг назоратидан ўтказиш мақсадида Олий Мажлис қарори билан махсус комиссия тузилган. Комиссия қонун лойиҳаси парламентга берилгунга қадар турли атама ва ибораларнинг тўғри ишлатилиши, айниқса, ўзбек ва рус тилидаги нусхалар ягона мазмунда бўлишини таъминламоқда. Аммо илгари қабул қилинган қонунларнинг матни ҳам комиссия томонидан таҳлил этилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Тўртинчидан, "Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида" Қонунимизда лойиҳа тайёрлашда танлов эълон қилиш ҳақида сўз юритилади (8-моддананинг 11-банди). Альтернатив лойиҳани, ҳеч бўлмаганда унинг икки, уч хил ифодаланган алоҳида моддаларини тайёрлаб депутатларга ҳавола қилинса, қонун чиқариш жараёни янада такомиллашар эди.

Бешинчидан, барча қонун лойиҳаларига изоҳ илова қилиниб, унда лойиҳанинг ташаббускори, тайёрлаган муаллифлар, муҳокама натижалари, билдирилган эътирозлар нима учун эътиборга олинмагани, лойиҳага оид молиявий-иқтисодий муаммолар баён этилса, қонунларимиз янада пухта бўлишига эришилар эди.

Олтинчидан, қонун ижодкорлигини илмий асосларда йўналтириш учун Олий Мажлис қошидаги Амалдаги қонунлар мониторингги институтида барча қонун чиқришга оид таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, турли анжуманларда, илмий асарларда, оммавий ахборот воситаларида билдирилган фикрларни муттасил таҳлил қилиб боришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ниҳоят, Қонун ижодкорлиги қабул қилинган қонунларнинг қай даражада бажарилаётганининг назорати билан боғлиқ. Чунки жамиятда қонунийлик, қонун устуворлиги қонун ҳужжатларининг фақат миқдори ва тури билан эмас, биринчи навбатда уларнинг амалиёт даражаси билан белгиланади. Инсон фақат фикри ва истакларига қараб эмас, амалий интилишлари, фаол ҳаракати билан қадрланганидек, қонунлар ҳам ўз амалиёти билан баҳоланади. Ҳар бир қонун лойиҳаси тайёрланиб муҳокама этилаётганда шу лойиҳага оид масалалар ҳозирги кунда қандай тартибга солинаётгани, бу борада қандай ютуқ ва камчиликлар, режа ва имкониятлар борлиги ҳам таҳлил қилиниб, тегишли маълумотларни лойиҳага илова қилиш ижобий натижалар беради, деб ўйлайман.

Қонун ижодкорлигига оид махсус тадқиқотлар ўтказиш, бу борада учраётган муаммоларни ҳал қилиш — қонунларимизнинг мукаммал бўлишини таъминловчи муҳим омилдир.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби

(Давоми, боши 1-бетда)

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк — давлат, хусусий мулк, тадбиркорлар мулки ва бошқалар ташкил қилади. Мулкдорлар ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча моддий ва маънавий бойликларга эга бўлиб, улардан фойдаланиш давлат ихтиёридадир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида шундай дейилган: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати барча давлатларнинг тенглиги, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, унинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, булар Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, яъни "ўзбек модели" деб тан олинган.

"Ўзбек модели" қуйидаги 5 тамойилдан иборат:

Биринчиси, иқтисодни сиёсат устидан ҳукмрон бўлиши, у ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши. Иқтисод ўз қонуниятларига асосланиб ривожланиши керак.

Иккинчиси, иқтисодни бошқаришда, айниқса, янги бозор иқтисодиётига ўтилаётганда, давлат асосий ислоҳотчи бўлиб, унинг бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги керак.

Учинчиси, Конституция ва қонуннинг устунлиги. Унга барча ҳаётимизнинг турли соҳасида баробар риоя этиши керак.

Тўртинчиси, кучли ижтимоий сиёсат юритишдир. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг муҳим вазифадир.

Бешинчиси, бозор иқтисодиётига ўтиш шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим. Бу тамойилларни амалга оширмасдан ҳуқуқий давлатни қуриб бўлмайди.

Ўзбекиston Республикасида ҳуқуқий давлат барпо этиш муҳим ҳаётий масаладир. Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгилари бор:

1. Ўзбекистон суверен демократик давлат бўлиб, у бирон синф, сиёсий партия, табақа ва гуруҳнинг манфаатларигагина хизмат қилмайди. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

2. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси — бу жамиятда қонуннинг устунлиги принципидир. Бу Конституциянинг 15-моддасида мустаҳкамланган.

3. Ҳуқуқий давлатда, Конституциянинг 56-моддасида кўрсатилганидек, давлат ва жамият ишларини бошқариш учун Ўзбекистон Республикасида қонуний равишда касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари ижодий ва жамоат уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмаларига йўл қўйилади.

4. Ҳуқуқий давлат қуриш учун якка ҳукмрон компартия мафкурасига барҳам берилди. Кўппартиявийлик, фикр ва ғоялар эркинлигига йўл берилди. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия мавжуд.

5. Ҳуқуқий давлатнинг яна бир муҳим белгиси, Конституциянинг 11-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими-ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган.

6. Ҳуқуқий давлат — инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлари ва бурчларини халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширади.

7. Конституциянинг 117-моддасига асосан давлат органларига сайлов тизимини умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳам ҳуқуқий давлат белгиларидан ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги вазифалари бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилиш ҳам ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ёш, суверен давлат бўлиб, ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга. Бундан кўзланган мақсад умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини тан олиш асосида халқаро ва шарқ миллий давлатчилик тажрибаларидан фойдаланиб, келгусида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир.

Қурбонали ХОЛМУМИНОВ,
Ўзбекистон Миллий Университети кафедра мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

(65-модда)

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

(50-модда)

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

(40-модда)

Шуқуҳ

БУНЁДКОР КУЧ

Конституция шунчаки давлат атрибутининг бир белгиси эмас, балки ўзига хос бунёдкор куч бўлган амалдаги Асосий Қонундир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини баҳолайдиган бўлсак, биз унинг таъсир кучини бевосита амалий фаолиятда ҳар куни, ҳар дақиқада сезиб турамиз ва унга таянамиз.

Конституциямизнинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, унда умумий-ҳуқуқий тамойиллар ва ҳуқуқнинг айрим институтларига хос бўлган тамойиллар мавжудлиги кўринади.

Умумий ҳуқуқий тамойилларга:

* ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойили;
* барча фуқароларнинг тенглиги тамойили;
* халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган меъёрларининг устуворлиги тамойили;
* инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тамойили

кабилар киради.

Ушбу умумий-ҳуқуқий тамойиллар мамлакатимизда амал қилаётган ўнлаб қонунлар мазмунига асосий қоида сифатида сингдирилган.

Айни пайтда Конституциямиз мазмунида фақат фуқаролик ҳуқуқи соҳаси учун хос бўлган муайян тамойиллар ҳам мавжуд. Бундай тамойиллар жумласига шаън ва қадр-қимматни ҳуқуқий муҳофаза этиш ҳақидаги (27-модда), ижод эркинлиги (42-модда), турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий муҳофаза этиш ҳақидаги (27-моддо), юридик шахслар фаолияти йўналишлари ва доирасини белгилаб берувчи қоидалар (57-модда), мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари ҳақидаги тамойилларни (54-модда) кўрсатиш мумкин.

Бу тамойиллар ҳар бирининг мазмунида олам-олам маъно ётади. Масалан, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш йўллари ўз ифодасини топган. Бинобарин, маъмурий буйруқбозлик тизими бугунги реал ҳаётимизда бирор бир тарзда мавжуд бўлишига ҳеч қандай ҳуқуқий асос йўқ. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: "Конституциямизда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Мақсад — иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда якка ҳокимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Унда хўжалик фаолиятига давлатнинг якка ҳокимчилик тарзида аралашувига чек қўйилган, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланган, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Хуллас, ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади".

Ушбу тамойиллар шунчаки декларатив характерга эга бўлган ақида эмас. Конституциянинг таъсирчан кучи у қабул қилинган ва амалга киритилган дастлабки пайтлардан бошлаб фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда яққол намоён бўлди. Чунки Конституция қабул қилинган даврларда Ўзбекистон эндигина давлат мустақиллигини қўлга киритган ва ҳуқуқий жиҳатдан собиқ Иттифоқдан қолган эски қонунлар амал қилар эди. Худди шу даврда ҳуқуқий амалиёт эски қонунларга эмас, янги Конституцияга асосан, унинг моҳияти тамойилларига таяниб иш кўрди. Масалан, эски Гражданлик кодексида давлат мулкини ғайриқонуний эгаллаб олган шахсдан қайтариб талаб қилиб олиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати қўлланмас эди. Хусусий мулк эгаси эса ўз мол-мулкини ғайриқонуний эгаллаб олган шахсдан қайтариб олиш ҳақидаги даъвосига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилар эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан кейин унинг 53-моддасидаги барча мулк шаклларининг тенглиги ҳақидаги қоида билан Гражданлик кодекси нормаси ўртасида зиддият вужудга келди ва ушбу норма Конституцияга номувофиқлиги сабабли бекор қилинди. Эски Гражданлик кодексида ҳар бир фуқаро биттадан ортиқ турар жойга эга бўла олмаслиги ҳақида ҳам махсус қоида мавжуд эди. Конституциямизнинг 36-моддасига асосан бундай чеклаш ҳам ўз кучини йўқотди. Бинобарин, Конституциямиз амалга киритилган пайтдан бошлаб бевосита фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича жуда катта ва муҳим вазифаларни бажарди ва бажармоқда. Ҳозирги амалдаги Фуқаролик кодекси ва фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлган ўнлаб қонунлар ишлаб чиқишда Конституция ўзига хос ҳуқуқий негиз вазифасини бажармоқда.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётнинг ҳамма йўналишларида бўлганидек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, айниқса, мулкчилик, тадбиркорлик, шартномавий муносабатлар соҳасида бевосита бунёдкор куч, ҳуқуқий асос сифатида намоён бўлмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Тамара КАИПНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими бош мутахассиси, ТДЮИ тадқиқотчиси

Зокир Мавлонов 9 йилдан бери Сирдарё вилоят божхона бошқармасига қарашли 6-сонли "Оқолтин" божхона масканида ишлаб келмоқда.

Унинг саъй-ҳаракати билан яқинда ноқонуний олиб келинаётган бир тонна спирт, 2 минг 232 қути сигарет мусодара қилинди. 3 миллиондан зиёд акциз солиғи ундирилди.

Суратда: (чапдан) божхона хизмати катта лейтенанти Зокир Мавлонов, Тўлқин Умаров, Шавкат Йўлдошев.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Нуқтаи назар

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

(Боши 1-бетда)

Давра суҳбатида маҳаллаларда барча сиёсий партияларнинг фаолияти бирдек эмаслиги, айрим партияларнинг ўз бошланғич ташкилотлари тузилмагани, партияларга янги аъзоларни, айниқса, ёш авлод вакилларини жалб этиш қониқарсиз эканлиги таъкидланди. Ваҳоланки, маҳалла йиғинларининг оқсоқоллари бошланғич партия ташкилотлари тузилса, улар учун алоҳида жой беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Токи маҳаллаларда сиёсий партияларнинг фаолиятлари жонлансин, ижтимоий-сиёсий ишлар талаб даражасида бўлсин, бундан халқимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти янада кучайсин, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялайлик. Бу деган сўз — ҳозирги мураккаб шароитда халқимизда, аввало, ўсибуниб келаётган ёш авлод онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдир.

"Исломобод" маҳалласи маънавий-маърифий марказида ўтказилган ўша давра суҳбатида бундай анжуманларни республика маҳаллалари бўйлаб ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилган эди. Бу ҳақда сиёсий партияларимизнинг газеталарида "Маҳалла сиёсий партияларни ўз бағрига чорламоқда" рукни остида мақолалар босилди, Ўзбекистон телевидениесининг "Сиёсат" Бош таҳририяти томонидан 20 дақиқали кўрсатув берилди. Лекин афсуски, ўша ташаббус кенг қулоч ёймади. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласининг нашр қилиниши ва унда ўртага қўйилган долзарб вазифаларни амалга ошириш асосида бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилади, деб умид қиламиз. "Сиёсий партиялар, - дейилади мазкур рисолада, - ўз фаолияти билан фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалга ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳар бир партия ўз дастурий қараш ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча ҳуқуқий асос ва қонуний кафолатларга эга. Ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши сиёсий ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки халқ манфаатлари, истиқлол ғоялари, қайси сиёсий ва мафкуравий кучга мансублигидан қатъий назар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир". Зеро, барча юртдошларимиз учун ягона муқаддас нарса, юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу — ватандошлик туйғусидир.

Шунингдек, мазкур рисолада таъкидланганидек, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини жорий этишга моддий, ташкилий ва маърифий жиҳатдан кўмак берадиган нодавлат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар имкониятларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Бизга аёнки, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Етти қўшнинг сенга ота-она, деб бежиз айтилмайди. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлида сиёсий партияларимиз ўз бошланғич ташкилотлари фаолиятларини янада жонлантириб юборсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Гулнора НОСИРХЎЖАЕВА,
Фалсафа фанлари номзоди

Кеча ва бугун

КАРВОН ЎТГАН МАНЗИЛЛАР

Мустақиллик йиллари темир йўл шоҳбекатлари тубдан ўзгара бошлади. Улар бугун ўзига хос маърифат ўчоғи, маънавият бешиги вазифасини ўтаяпти, десам муболаға бўлмас...

Хизмат сафари билан Қаршига йўлим тушса, темир йўл шоҳбекати биносини анчайин томоша қилиб қоламан. Замонавий меъморчилик услубида қайтадан таъмирланган вокзал биноси, кундан-кун ободонлашиб бораётган олд фасад биз журналистлар учун ҳам илҳом манбаи, ҳам турфаранг одамларни учратиш мумкин бўлган ижод майдонидир. Боз устига Қарши шоҳбекатидаги ўзгаришларни тасаввур этмоқ учун унинг ўн йиллар олдинги қиёфасини эсга олишнинг ўзи кифоя. Асримиз бошида қурилганидан бери бирор марта жиддий таъмирланмаган бино. Ҳаммаёқ кирчир. Маиший хизмат ўлда-жўлда. Бино шифтларида қора ўлак-тартанак тўрлари кўзга ташланарди...

Шундоқ ўйлар билан шоҳбекатнинг диққатга сазовор жойларини миникамерада тасвирга тушириб турганимда, кимдир елкамга аста қўлини қўйди:

- Ҳорманг, меҳмон... - мулойим жилмайиб, самимий савол нигоҳи билан боқиб турган бу одам қилаётган ишимга қизиқсиниб ёнимга келгани аён эди. Шунда биратўла жавоб бериб қўя қолдим.

- Бу ўзим учун. Чиройли биноларни, гўзал манзараларни тасвирга олиб юраман...

Суҳбатдошим шу Қарши бекати бошлиғи Абдумажид Ҳайитов экан. У киши билан анчайин суҳбатлашиб қолдик. Мавзу эса ўз-ўзидан бошда хаёлимдан кечган фикрларнинг давомига уланиб кетди.

- Халқимиз азал-азалдан сув ва йўл бўйида манзил тутган. Чунки карвон ўтадиган манзил обод бўлиб, ҳаётига ризқ-рўз, кут-барака ана шу йўллар билан кириб келган, - дейди Абдумажид ака, хонасида осиғлиқ турган харитадан, буюк ипак йўли Аму ва Сир, Зарафшон, Норин дарёлари соҳиллари бўйлаб ястаниб ётган шаҳар ва қишлоқларни кўрсатиб. - Темир йўллар - бугун ана шу буюк ипак йўлларининг ҳақиқий вориси. У мамлакатимизнинг қон томири, юртимиз иқтисодиётининг таянч воситасидир.

- Кечирасиз, айрим пайтлари мустақил темир йўл тизими, деган ибора қулоққа чалинади. Мамлакат мустақил бўлгандан кейин унинг темир йўли ҳам мустақил ҳисобланмайдими?

- Ҳозирча йўқ. Агар Навоий-Султон Уайс-Тўрткўл-Нукус йўналишидаги темир йўл шахобчаси қуриб ишга туширилса ва бизнинг вилоятимиз ҳудудидан бошланиб, Сурхондарёда якун топадиган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл шахобчаси ишга тушса, биз Тожикистон ва Туркманистон Республикалари ҳудудидаги темир йўллардан фойдаланиш заруратидан қутуламиз. Ана шу бизнинг мустақиллигимиз бўлади...

Абдумажид аканинг хонасида кўплаб жадваллар осиғлиқ. Мен қатор қилиб рақамлар тизилган ана шу қоғозларга қараб, кўзим тониб кетди. Ваҳоланки, кимдир шуни ўқийди, тушунади...

- Булар бизнинг кўрсаткичларимиз, - худди хаёлимдан кечган фикрни илғагандек Абдумажид ака ўша осиғлиқ плакатлар ёнига бориб, сўзида давом этди. - Йўловчи ташиш хизматини яхшилаш мақсадида 1998 йили "Ўзтемирйўлйўловчиташиш" давлат корхонасининг Қарши филиали ташкил топиб, мен филиал бошлиғи сифатида 2 йил фаолият кўрсатдим. Мана, кўрсаткичларимиз ёмон бўлгани йўқ. Дейлик, 1998 йили жами 774000 йўловчига хизмат кўрсатган бўлсак, кейинги икки йил мобайнида бу кўрсаткич 842000 га, кейин 1 млн. 100000 кишига кўпайди. Давлат хазинасига топширадиган маблағимиз ҳам 114 млн. 866 минг сўмдан 309 млн. сўмга ўсди. Маҳаллий фойда ҳам анчайин салмоқли...

- Абдумажид ака, қайси газеталарни кўпроқ ўқийсиз? - мавзуни ўзгартириш учун атайин сўрайман у кишидан. Чунки ана у айқаш-уйқаш рақамларни тушунишга ҳали-вери тишим ўтмаслигини англагандим.

- "Халқ сўзи", "Ҳуррият", "Инсон ва қонун" газеталарини мукаммал ўқиб бораман. Айниқса, "Инсон ва қонун"да берилаётган мақолалар менга ёқади. Инсон ва қонун бир бутун бирикма эканини ҳис қиламан унда.

- Инсон қонунларга бўйсуниб яшашга мажбур бўлса, у қандай бир бутун бирикма бўлади, ахир улар бир-бирига зид-ку?!

- Бизда қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, саволингизга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Дарвоқе, сиз ҳам журналистсиз-а? Айрим журналистларга эътирозим - улар мавзуга чуқур кирмайдилар. Воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишга кучлари етмай қолади. Шу йилнинг 9 август сонида вилоят газетасида "Тартанак уяси" деб номланган мақола босилиб чиқди. Муаллиф журналистик позициясини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, "буюртмачи"ларнинг талабини бажаришга тушиб кетганидан оқ билан қорани фарқлай олмай қолган. Шу мақола юзасидан роса текширувлар бўлди. Газетада келтирилган айбловларнинг бирортаси ҳам ўз тасдиғини топмади.

Абдумажид ака бироз сукут сақлаб турди-да, мийиғида кулиб, деди:

- Машойихлардан бири ижодни улкан денгизга ўхшатган экан. Кимдир чуқур шўнғиб, дур-марварид олиб чиқади, кимдир юзасида сузиб, кўпик ҳовучлаб юраркан...

Гап-гап билан бўлиб, "Китоб-Тошкент" поезди келганини ҳам билмай қолибмиз. Мен поездга кечикмаслик учун қўзғалдим. Аммо назаримда худди шу ерда турли мавзуларда қилган суҳбатларимизни бир нуқтага бирлаштирадиган ҳол рўй берди:

- Матбуотдан анчайин азият чекибсиз. Қонун йўли билан ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилмадингизми? - сўрадим Абдумажид ака билан хайрлаша туриб.

- Қонунлар бизни ҳимоя қилади. Уларга бўйсуниб яшаймиз.Аммо қонунда ёзилмаган қоидалар ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Одамийлик, ўзбекона андиша, инсондаги бир-бирининг ҳаётига масъуллик ҳисси сингари фазилатлар йўқолиб кетмасин!

Фозил ТИЛОВАТ,
журналист

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг буйруғига асосан Булунғур тумани судининг катта суд ижрочиси Мусирмон Турсунов корхона ва ташкилотлар ҳисобхоналарида нафақа ундириш бўйича текшириш ўтказди.

Туман "Машина-трактор парки", "Агрокиметаъминот" каби 5 та ташкилот суд қарорини ўз вақтида бажармаганлиги учун жаримага тортилди.

Суратда: (ўртада) туман суди катта суд ижрочиси Мусирмон Турсунов туман халқ таълими ходимлари Нуриддин Жўраев, Зоҳида Ортиқовалар билан мулоқотда.

Талаба минбари

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, аждодларимиз азалдан халқимизнинг маънавияти, маърифати ва эркинлиги учун курашиб келганлар. Жумладан, Замахшарий, Маргиноний ва Абу Мансур Мотурудий сингари алломалар, ўз билимлари билан дунёни лол қолдирган тилшунос, фиқҳшунос, калом илми пешволари шу азиз юртдан етишиб чиққанлар.

Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритганидан сўнг жаҳоннинг илғор мамлакатлари қатори Асосий қонуни — Конституциясини қабул қилди ва бу чинакам буюк тарихий воқеа бўлди. Зеро, ҳар қандай давлатнинг, миллатнинг мустақиллиги, дахлсизлигининг энг муҳим белгиларидан бири унинг ўз Конституцияси мавжудлиги билан белгиланади.

Тарихи қарийб бир неча минг йилларга тенг ўзбек халқи ана шундай Конституцияга эга бўлганига эндигина саккиз йил тўлди. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа барча ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари муқаддас саналиб, қонуний кафолатланган.

Бугунги кунда билим олиш ҳар бир фуқаронинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Асосий қонунимизнинг 41-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро билим олиш ҳуқуқига эга. Умумий таълим олиш эса давлат томонидан кафолатланган. Жинси, миллати, тили ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир ўзбекистонлик билим олишда тенг ҳуқуққа эгадир. Ушбу Қонуннинг самараси ўлароқ олий ўқув юртларига кириш тест синовининг жорий этилиши ҳамда "Умид", "Камолот" жамғармаларининг ташкил қилиниши, улар орқали ёшларнинг жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиб келаётгани биринчи галда Президентимизнинг ёшларга бўлган чинакам ғамхўрликлари, деб ўйлайман.

Бизнинг Тошкент Давлат юридик институтимизда ёшларнинг дунёвий билимларни эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган. Ижтимоий фанлар бўйича тўгараклар, маънавий-маърифий тадбирлар бизга берилган имконият ва айни пайтда ишонч, шу билан бирга масъулият ҳамдир. Биз ёшлар ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, Президентимизнинг ишончини оқлашимиз, Ватаннинг фидойи фарзандлари бўлиб камол топишимиз керак. Зеро, келажак ёшлар қўлида.

Ҳусан ТУРСУНОВ,
ТДЮИ талабаси

Таклиф

ОҚ РАНГ – АДОЛАТ РАМЗИ

Маълумки, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтадиган сессиясида "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинади. Ҳозирги кунда мана шу Қонуннинг лойиҳаси муҳокамаси қизғин давом этяпти. Биз қуйида ана шу хусусда ўз таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Биринчи навбатда халқ суди деган эски атамага аллақачон ўзгартиш киритилганини эътиборга олиб, судловда қатнашувчи "халқ маслаҳатчиси" "маслаҳатчи", яъни "халқ" сўзи туширилиб зикр этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчи навбатда, 76-моддада берилган "агар судья ўз вазифасини бажариш чоғида вафот этса, эллик ойлик иш ҳақи миқдорида" (суғурта суммаси - таҳририят) деган жумлани "60 (олтмиш) ойлик иш ҳақи миқдорида" деб ўзгартирилса тўғри бўларди. Чунки мана шу 60 (олтмиш) ойлик иш ҳақи миқдори унинг 5 (беш) йиллик ваколат муддатига тўғри келарди.

Юқоридан келиб чиқиб, "судья ўз хизмат вазифасини ўташ чоғида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада хасталаниб қолса ёки соғлиғига бошқача шикаст етса, 25 ойлик иш ҳақи миқдорида" (суғурта суммаси - таҳририят) эмас, балки 5 йиллик ваколат муддатининг тенг ярми, яъни "30 (ўттиз) ойлик иш ҳақи миқдорида" деб ёзилса, мантиқан тўғри бўларди.

Қонун лойиҳаси билан танишар эканмиз, одил судловнинг принциплари масаласига эътибор бермасдан иложимиз йўқ. Принциплар тизимида нима учундир қонунийлик, судда ишларни якка ҳолда ва ҳайъатда кўриш, жамоатчилик иштироки каби муҳим принциплар киритилмаган.

Бизнинг фикримизча, янги Қонунда Одил Судлов принциплари алоҳида бўлимда ажратилиб кўрсатилиши лозим. Чунки судлар қайси раҳбарий қоидалар асосида иш тутишлари жуда муҳимдир.

Шунингдек, судьяларнинг иш кўриш давомида алоҳида кийимда бўлиш ҳақида ҳам ўз фикрларимизни айтмоқчиман. Бу ҳақда кўпчилик мулоҳаза юритиб, судьялар Европа давлатлари, АҚШ судьялари каби мантьеда иш кўришлари хусусида гапирадилар. Бироқ турли ислоҳотларда ўзбек модели бўлгани каби мустақил Ўзбекистон судьяларида ҳам ўзига хос, ўзига мос либос бўлиши лозим. Бу либос қора матодан бўлиб, баъзи бир жойида оқ матодан йўллар ўтиши мақсадга мувофиқ. Бу кўриниш судьялар вазифаси қоралаш эмас, балки ҳар қанақанги содир этилган ишлардан адолат излашларининг (оқлик белгиси) рамзи сифатида намоён қилади, деган фикрдамиз.

Мана шундай таклиф ва муҳокамалардан сараланиб, қабул қилинадиган "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири Юртбошимиз айтганларидек, халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билишига асос бўлиб хизмат қилади.

Р.ҲАҚБЕРДИЕВА,
ЎзМУ Ҳуқуқшунослик факультети кафедра мудири,
Р.КАРИМОВ,
шу факультет магистранти

Ўзбекистон "Темир йўллари" Давлат акционерлик темир йўл компанияси Жиззах шоҳбекати жамоаси Конституциямиз қабул қилинганлигининг 8 йиллигини меҳнатда катта муваффақиятлар билан қарши олди. 209 минг 205 тонна халқ хўжалиги юкларини манзилига етказиб берди. 3739 та вагонни қабул қилишга улгуришди. Бундан ташқари кўплаб халқ хўжалиги моллари ишлаб чиқаришди.

Суратда: 1. Бекат оператори Бибижон Ашурова. 2. (чапдан) Жиззах шоҳбекати бошлиғи Акром Абдуллаев, бекат навбатчиси Неъмат Мирзаев билан.



Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Ёшлар тарбиясига лоқайд бўлмайлик

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради" деб ёзиб қўйилган.

Конституцияга асосланиб, кўплаб бошқа норматив актлар қабул қилинди. Буларга Олий суд томонидан 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Пленум қарори, "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида"ги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида 2000 йил 15 сентябрдаги қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 2000 йил 21 сентябр Қарорларини киритишимиз мумкин.

Вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланувчи кўплаб давлат ва жамоат органлари мавжуд бўлиб, уларга Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълим вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, республика "Маънавият ва маърифат" Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Камолот" жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, ҳокимликлар ҳамда Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган идоралар ўз фаолиятларини лозим даражада бажармасликлари, болалар тарбияси устидан назоратнинг сустлиги, ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг ўлда-жўлдалиги болаларнинг бўш вақтларини ва бошқа муаммоларнинг қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида айрим ёшлар гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиб кетмоқда. Натижада ёшлар ўртасида турли жиноятларни содир этиш, диний ақидапарастликка кириб кетиш ҳоллари юзага келмоқда.

Масалан, Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳар, Карпов кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи 21 ёшли Ойбек Садриддинов ва шу шаҳарнинг Раъно Узоқова кўчасидаги 18-уйда истиқомат қилувчи вояга етмаган, 1984 йилда туғилган Баҳром Мирзақулов фуқаро Машҳура Ҳамроеванинг уйига кириб, 4 та товуғини қопга солиб, уйдан чиқиб кетаётганларида уй эгалари уларни ушлаб, ИИБ ходимларига хабар беришган.

Судда Б.Мирзақуловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан 2000 йил 29 августда қабул қилинган Амнистияси қўлланилиб, у суд залидан озод қилинди. О.Садриддинов айбдор деб топилиб, олти ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. О.Садриддиновга бундай оғир жазо берилишининг сабаби шундан иборатки, у вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилган. Бу билан эндигина ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш ўсмирни боши берк кўчага бошлаган. Суднинг одиллиги билан Б.Мирзақулов оқланиб чиқди, аммо бу жиноят унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Хўш, бунга ким сабабчи? Албатта, ота-онаси. Чунки боланинг тўғри ўсишига, ҳалол меҳнат қилишига ота-онанинг тарбияси, ўгитлари, панд-насиҳатлари таъсир этади. Шу ўринда мактабдаги ўқитувчиларнинг, синф раҳбарининг бу болага нисбатан эътиборсизлигини ҳам таъкидлаш зарур. Б.Мирзақулов мактабда яхши ўқимаган. Ўқимайдиган боланинг бўш вақти кўп бўлади. "Бекорчидан худо безор" деганларидек, у ҳам нима иш қилишни билмай, шунга қўл урган. Ўқитувчи эса ўз лавозимига нисбатан совуққон бўлган. Маҳалла посбонлари, оқсоқолларнинг беғамлиги, эътиборсизлиги ҳам бундай оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Улар ҳаттоки маҳалласида кимлар яшашини аниқ билишмайди.

Вазирлар Маҳкамаси Қарорининг қабул қилинишидан асосий мақсад юқорида вужудга келган ҳолатларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, болаларни умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашдан иборат эди. Ўйлаймизки, яқин пайтларда бу мақсадга эришамиз.

Муаттар АЛЛАЁРОВА

Меҳр-мурувват ўн кунлиги

ХАСТАЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ

"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга"

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасидан)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус қарорига асосан 1992 йилдан бошлаб барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам 3 декабр Халқаро ногиронлар куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бу байрам йилдан-йилга оммалашиб, анъанавий тус олмоқда. Юртимиздаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, ногиронлар жамиятлари, турли жамғармалар, умуман, саховатпеша инсонлар шу куни баҳоли қудрат кўнглиярим инсонларга хайрия ёрдами кўрсатмоқдалар.

- Туманимиз "Меҳрибонлик" жамияти 1995 йилда ташкил этилган жамоат ташкилоти бўлиб, асосий вазифаси ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда уларни иш билан таъминлашдан иборат, - дейди Тошкент шаҳар Ўзаро Ёрдам "Меҳрибонлик" жамияти Собир Раҳимов туман бўлинмаси раиси Юлдузхон МИРЗАКАРИМОВА. - Биз нафақат ногиронлар кунида, балки барча байрамларда кўнглиярим инсонлар, муҳтожлар ҳолидан хабар оламиз. Улар учун тадбирлар ўтказамиз. Бу йил ҳам Халқаро ногиронлар куни муносабати билан "Меҳр-мурувват 10 кунлиги"ни ўтказдик. Туман ҳокимлиги ҳам савоб ишдан четда қолмади. Муҳтож оилалар, ногиронлар шароити ўрганилиб, назоратга олинди. Санаб ўтилган тадбирлар ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш борасида туманда олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг айрим қирралари, холос.

Шу кунларда тумандаги ёлғиз қариялар, ногирон болалар, кам таъминланган оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Байрам арафасида Халқлар дўстлиги саройида "Сетора" гуруҳи меҳмони бўлдилар. Улар учун жамият қошида ифторлик дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Болажонлар эса байрам муносабати билан Ёш томошабинлар театрига таклиф этилдилар. Бу ерда улар учун "Томоша" болалар ансамбли ўзларининг ажойиб куй ва қўшиқлари билан хизматда бўлдилар. Театр ижодкорлари томонидан намойиш этилган "Кўзичоққа гап йўқ" спектаклини болалар мароқ билан томоша қилдилар. Томоша сўнггида Собир Раҳимов туман "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Қизил ярим ой" бўлинмаси, Тадбиркорлар палатаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, туман ижтимоий таъминот ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан тақдим этилган совға-саломлар, дори-дармонлар жажжилар қувончига қувонч қўшди.

Арофат ОРТИҚОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Обуна-2001

Бўлай десанг ҳар доим мамнун, ҳамроҳ бўлсин "Инсон ва қонун"!

Муҳтарам муштарий!

Ҳар қадамингизда қонунга, ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда Сизга яқин ёрдамчи, маслаҳатчи ва таянч бўладиган республикамизда ягона — ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газета "Инсон ва қонун"дир.

Унга барча алоқа бўлимлари ва шаҳобчаларида обуна давом этмоқда.

Кеч қолманг! Газетамиз уйингизга, иш жойингизга кириб боришига нима етсин!

Нашр кўрсаткичи:
якка обуначилар учун -137,
ташкилотлар учун -138.

ҲАЁТда ҚОНУН ҳамроҳ бўлсин десангиз...

Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шаклланишида энг яқин дўстингиз **"Ҳаёт ва қонун"** юридик журналига 2001 йил учун обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи:
якка обуначилар учун - 902
ташкилотлар учун - 903

"Ўзмелиосувтранс" корпорацияси тизимидаги Жиззах шаҳри "А" саноат ҳудудида жойлашган "4-сон хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти

Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 8 йиллиги байрами муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади

Муборак Рамазоннинг саодатли кунлари ҳар биримизнинг умримизга, оиламизга файзу барокот ато этиб, қалбларимизни эзгулик, поклик, имон ва эътиқод туйғуси билан тўлдирсин. Барчамизни Ватан меҳри ҳеч қачон марк этмасин.

Ифтихор

ОҚЛАНАЁТГАН УМИДЛАР

Маънавият ҳуқуқий давлатнинг таянчидир. Зеро, маънавияти юксак шахс ҳар томонлама тўкис, билимли, зукко, дунёқараши кенг, ўзини ҳам, ўзгани ҳам қадр-қимматига етадиган бўлиши билан бирга Ватани, халқининг эрки, равнақи, бахт-саодати, тинчлиги йўлида фидойи бўлади. Баркамол шахсларни тарбиялаб воягa етказиш эса давримизнинг энг долзарб вазифаларидан. Тошкент Давлат юридик институтида ташкил этилган иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Мавжуда ТОЛИБОВА билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

- Президентимизнинг ёшларга катта умид боғлаб, юксак эътибор ва алоҳида ғамхўрлик билан қараётганлари бежиз эмас. Зеро, келажаги буюк Ватанимизнинг истиқболи бугунги ёшларимизнинг билимли, зукко ва иродали бўлишларига боғлиқ. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдир.

Институтимиз республикамизда ҳуқуқий кадрлар тайёрлайдиган асосий олий ўқув юрти. Бу даргоҳда талабаларга пишиқ-пухта билим бериш асосий вазифадир. Шу билан бирга талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш биз мураббийларнинг шарафли бурчимиз ҳисобланади. Чунки ҳуқуқшуносдан қилни қирқ ёрадиган зукко, чуқур билимли, ўз касбига садоқатли бўлиши талаб этилади. Дарҳақиқат, келажакда мустақил юртимизда тинчлик, осойишталик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бугунги талабанинг маънавий дунёсини нечоғли юксалганига боғлиқ экани сир эмас. "Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими"миз ўз олдига шу мақсадларни қўйиб, фаолият олиб бормоқда. Институтимизда иқтидорли талабалар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қобилият ва фазилатларга эга. Маънавият ва маърифат масалаларига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирлар ёшларнинг ўз имкониятлари даражасида иқтидорларини намоён этишлари учун кенг йўл очмоқда. Тадбирларда фаол иштирок этаётган талабаларимиздан Мунисхон Жумаева 1997 йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 49-ўрта мактабни тугатиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаб, институтга қабул қилинган. Айни пайтда аъло баҳоларга ўқиётгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун институтнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Шунингдек, бу талабамиз Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мамдух Шавқий жаноблари томонидан махсус мукофот билан тақдирланди. 1999-2000 ўқув йилида эса Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига лозим, деб топилди.

Интилганга толе ёр, дейишади. Мунисхон тинмай ўқиб, изланаётир. Унинг "Божхона ҳуқуқи", "Суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш — давр талаби", "Дин ниқобидаги жиноятчилик" сингари турли мавзулардаги мақолаларининг республика матбуотида эълон қилиниши сидқидилдан қилинган меҳнатлари самараси бўлди.

Айни кунларда М.Жумаева ҳуқуқшуносликнинг аниқ муаммоларига доир мавзулардан бири устида илмий иш олиб бораяпти. Инглиз ва рус тилларини мукаммал билганлиги унинг илм эгаллаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Ҳозир у турк ва форс тилларини ҳам ўрганаётир.

Биз бўлимимизда Мунисхон Жумаеванинг сафдошлари кўпайиши учун барча имкониятларни ишга солиб, меҳнат қилаяпмиз.

Суҳбатдош:
Салима ҚИЛИЧЕВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

БИЛИМЛИ ИНСОН ЕНГИЛМАС

Мароқли учрашувлар

XXI аср бўсағасида турибмиз. Республикамизда ўтган йилларда барча жабҳаларда ютуқларга эришдик. Албатта, ижтимоий, сиёсий ҳаётнинг тўғри шаклланиши шахс камолотига жиддий таъсир этади. Комил инсон эса жамиятнинг ҳам, матбуотнинг ҳам ягона мақсадидир. Ўзбек матбуотининг ягона қаҳрамони бу инсон, унинг қайғуси, севинчи, ташвиши ва умидидир.

Тошкент шаҳар Иқтисодиёт лицейи ўқувчилари билан "Ҳаёт ва қонун" юридик журнали ҳамда "Инсон ва қонун" ҳуқуқ газетаси Бирлашган таҳририяти ижодкорлари учрашувидан кўзланган асосий мақсад ҳам билим чўққилари сари интилаётган ўқувчилар қалбига маърифат уруғини сочиш, ҳуқуқий онгини ривожлантириш, улар юрагига эзгулик, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришдан иборат эди.

Учрашувда Иқтисодиёт лицейи директори, профессор Худойберди Тўраев, маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари Зафар Толибжонов, Бирлашган таҳририят Бош муҳаррири ўринбосари Сирожиддин Раупов, "Ҳаёт ва қонун" журнали масъул котиби Зайниддин Дўстматов, Инсон ҳуқуқлари бўлими муҳаррири Арофат Ортиқова, журналист Тўлқин Ҳайитовлар иштирок этдилар.

Дастлаб сўзга чиққан С.Раупов газетада ёритилаётган материалларнинг моҳияти, келгусидаги режалар хусусида тўхталди. Жумладан, у ҳуқуқий билимли инсон енгилмас эканини таъкидлаб, бу борада таҳририят томонидан муштарийларга кўрсатилаётган ёрдамлар тўғрисида гапирди. Учрашув Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 8 йиллиги арафасида бўлгани учун дастлабки савол-жавоблар қабул қилинган қонунларнинг инсонпарварлиги, уларнинг аҳамияти хусусида бўлди.

"Ҳаёт ва қонун" журнали масъул котиби З.Дўстматов бугунги кунда журнал саҳифаларидан жой олаётган мақолаларнинг тарбиявий аҳамияти, қизиқарли ҳикоя ва шеърларнинг ранг-баранглиги ҳақида сўзлади. Журналист Т.Ҳайитов ҳам ўқувчилар билан мулоқот чоғида "Жамиятимиз равнақи сизларнинг бугунги олган илмларингиз, интилишларингиз самарасига боғлиқ. Бу борада сизларга китоб билан бирга севимли журнал ва газеталарингиз ҳам асқотади", деди.

Лицей ўқувчилари Анвар Аминов, Гулчеҳра Болабекова, Музаффар Икромовларнинг ўртага ташлаган саволларидан уларнинг нақадар билимдон, тафаккурлари теран экани маълум бўлди.

Қизиқарли баҳс-мунозараларига эга бўлган учрашув шеърхонлик кечасига уланиб кетди. Ижодкорлар ўзларининг Ватан, муҳаббат ҳақидаги шеърлари билан йиғилганлар кўнглига шукуҳ бағишладилар. Бундан илҳомланган ўқувчилар ҳам жонажон лицейларига бағишлаган шеърларини ўқиб бердилар. Учрашув сўнггида сўзга чиққан лицей директори ўринбосари З.Толибжонов таҳририят ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирар экан, бундан кейин албатта "Ҳаёт ва қонун" журнали ҳамда "Инсон ва қонун" газетаси билан бирга бўламиз, деб таъкидлади. Тадбир сўнгтида таҳририят ходимлари ўқувчиларга ўз нашрларидан намуналар тақдим этдилар.

Собиржон ЭРГАШЕВ

ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Обуна-2001

Қонун устувор бўлган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда Юртбошимиз ва Ҳукуматимиз оилага доимий ва кундалик иш сифатида қарамоқда. Конституциянинг ўн тўртинчи боби 63-66-моддалари оила жамият ва давлат муҳофазасида эканлигини уқтиради. Ушбу муҳим қонун ҳужжатидан кейин Оила кодексининг қабул қилинганлиги янги жамиятда инсон қадри ниҳоятда баланд тутилаётганлигининг ёрқин исботидир.

Туманимизда еттита қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, шу йилнинг ўтган ўн ойида 500 дан зиёд никоҳ қайд этилди. 2000 га яқин янги туғилган болаларга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар берилди. Биз фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар оқсоқоллари билан биргаликда оилаларни мустаҳкамлаш, тўй ва бошқа маросимларни камчиқим, камхарж қилиб ўтказиш юзасидан жойларда турли тадбирлар уюштираяпмиз. Айтиш жоизки, ана шундай фаолиятимизда севимли нашримизга айланиб қолган "Инсон ва қонун" бизга ҳамиша қўл келмоқда.

Янги асрнинг биринчи йилида "Инсон ва қонун" газетаси, "Ҳаёт ва қонун" юридик журналига яна обуна бўлдик. Таҳририят ижодий ходимларига оила мавзусини янада кенгроқ ёритиб боришларида куч-қувват тилайман.

Эсаной ЭРГАШЕВА,
Нуробод тумани ФҲДЁ бўлими нозири

Ислоҳот

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Сурхондарё вилоятининг энг довруғли, йирик корхоналаридан бири — "Сурхонозиқовқатсаноат" ҳиссадорлик бирлашмаси ходимлари буни чин дилдан ҳис қилмоқдалар.

Бирлашма ҳиссадорлари ўтган тўққиз ойда барча турда маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини ошиғи билан уддаладилар. Жумладан, оҳорланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 105,6 фоиз, кунжара 105,3 фоиз, чигитни қайта ишлаш 102,4 фоизга бажарилди. Шунингдек, қандолатчилик цехида ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Айтиш жоизки, бу кўрсаткичлар эски даврдагидек хўжакўрсинга эмас, балки "ишлаган тишлайди" нақлига мос муваффақиятлардир. Дейлик, ички ҳиссадорлар, яъни ишчилар ўтган йилга олган ҳар бир акциялари учун 60 фоиздан девидент олишди.

Корхона аҳли умумий ҳисобда жами акцияларига 18 миллион 713 минг 812 сўм устама олишга муваффақ бўлди.

- Юртбошимизнинг "Хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилмаган корхонанинг келажаги йўқ", деган ўгитларига тўғри муносабатда ёндошиб, ёруғ режалар тузди, - дейди бирлашма раҳбари Райимқул Тожиддинов, - келгуси йилдан америкалик саноатчилар билан ҳамкорликда ёғ қадоқлайдиган иккита цех барпо этмоқчимиз. Ҳозир бу борада жадал ишлар қилинмоқда. Цехлар ишга туширилгач, ерёнғоқ, соя, кунжут, зиғир ёғларини қадоқлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилади. Ёғ қадоқлаш цехларида келгуси йилдан бошлаб суткасига 16 минг 600 бутилка ёғ қадоқланиши кўзда тутилмоқдаки, бу ҳол қўшимча иш ўринларини вужудга келтиради. Шунингдек, олис туманларда деҳқон ва фермер хўжаликлари учун сервис хизмати кўрсатиш мақсадида жойларда кунжара, шулха сингари тўйимли чорва озуқалари ва турли хил ўсимлик ёғлари сотишга мўлжалланган савдо нуқталари барпо этилмоқда.

Бирлашманинг қандолатчилик фабрикаси ҳақида икки оғиз сўз: 60 нафар қўлигул йигит-қиз фаолият кўрсатаётган мазкур корхонани ширинликлар дунёсига менгзаш мумкин. Бу ерда тайёрланаётган оппоқ дурдек парвардалар, новвот, зефир, мармеладу уч турли ҳолва, турфа хил печенье, торт-лару конфетлар, ширин кулчалару ёғли патирлар тўй-ҳашамларда дастурхонларнинг зебу зийнатига айланиб бораяпти. Маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин истеъмол бозоридаги талаб обдон ўрганилади. Бирлашма эса даромадлар эвазига хайрли ишлар салмоғини кўпайтирмоқда. Ишчилар учун сўлим тоғли Вахшивор қишлоғида дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшмаси томонидан ҳиссадорларга вақтивақти билан мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларга йўлланмалар тарқатилаяпти. Барча қулайликларга эга бўлган спорт мажмуи ҳам ишчилар хизматида. Бир сўз билан айтганда ишчи-хизматчилар меҳнат ва дам олиш шароитлари боис, корхонага иккиинчи уйлари каби меҳр қўйишган.

Корхона раҳбари Райимқул Тожиддинов Сурхоннинг бир сўзли йигитларидан. Ўзининг гапига қараганда умри давомида қачон ёлғон гапирганини ёки ваъдасини бузганини эслай олмайди. Шарқ халқлари, айниқса, ўзбекчиликда раҳбарнинг яхши хислатларидан қўл остидагилар ҳамиша ўрнак олишган. Райимқул ака "Ҳаёт ва қонун" журнали ҳамда "Инсон ва қонун" газетасига обуна бўлиш ниятида. МДҲ давлатлари миқёсида машҳур бўлган мазкур корхонада севимли нашрларимизнинг муштарийлари янада кўпаяди, деб умид қиламиз.

Б.ОЛЛОМУРОД,
Б.АБДУРАСУЛОВ

Суратларда:
1. "Сурхонозиқовқатсаноат" ҳиссадорлик жамияти раҳбари А.Тожиддинов.
2. Жамият ёғ оҳорлаш цехи бошлиғи Абдурасул Ҳасанов ишчи-хизматчилар Зулфия Тангриқулова, Тошпўлат Жумаев ва Гулбиби Бўтаевалар билан.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди

Навбатчи: Рўзибой САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: М.БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 1
Тел: 133-24-44, 132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.